



# МАНАЛЛА

Ўзбекистон "МАХАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 51-52 (183-184)

2000 йил 19 июль, чоршанба

Газета 1996 йил январь ойдан чиқа бошлаган

Сотувда эркин нархда



ИЙЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳам Ўзбекистон Мустақиллигининг 9 йиллиги байрамга маҳаллаларнинг намунали раисларини, тадбиркор оқсоқолларини, маҳалла жонқурларини рағбатлантириш мақсадида, жамоатчи деган фахрий ном эгаларини тақдирлаш учун «Ибратли маҳалла оқсоқоли», «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқо-

## ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ АРМУҒОНИ

Тўйга, табаррук таваллуд кунларига, байрамларга тўёна, армуғонлар билан келиш, сийлаш азалий эзгу одат.

ли», «Маҳалла жонқури» кўкрак нишонларини ҳамда пул мукофотларини тасвир этди.

Ушбу Фахрий нишонлар Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси томонидан тасдиқланган Низомлар асосида туман, шаҳар ва вилоятлар ҳамда республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловлар якунига мувофиқ ҳар йили бир марта мустақиллик байрами арафасида берилди.

Халқимизнинг миллий ва маданий қадриятларини эъзозлаш ва тарғиб қилишга, маҳалла нуфузини, ўзини ўзи бошқариш идоралари обрўсини оширишга қаратилган ушбу янгилик Президентимиз томонидан янги, адолатли фуқаролик жамиятининг асоси қилиб олинган маҳалла ва унинг бошқаруви ҳаётини янада жон-

лантиришга қаратилган тадбирдир. Айни вақтда ушбу тадбир маҳалла ишини конституция, қонун ва бошқа меъриий ҳужжатлар асосида ривожлантиришда, айниқса, мустақилликни, она Ватанини қадрлаш, севиш моҳиятини англаш, маънавиятини юксалтириш, инсонлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, оилани мустаҳкамлаш, руҳан ҳам жисмонан соғлом авлодни камол топтириш, миллатлар орасида дўстлик, тинчлик, осойишталикни янада мустаҳкамлашда фидокорлик кўрсатган жамоатчи замондошларимизни аниқлашга ёрдам беради. Ўзгача, истиқлолимизнинг улугвор аҳамиятини юртдошларимиз онгига синдириш борасида ўзининг ақл-идроки, тажрибаси, одоб-ахлоқ, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, сиёсий,

ҳуқуқий соҳалардаги билими, янгича фикрлашда барча тоифадаги шахслар билан баҳслаша оlishга, жамиятда барча инсонийлик сифатлари, беғараз, беминанат хизмати ила бошқаларга ибрат бўла оладиган раис - оқсоқол, жонқурларни яна бир бор меҳнатларига яраша эҳтиром, иззат-иқром этиш имконини яратди.

Ушбу низомлар тартиблари билан туман, шаҳар, вилоят Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаларида танишиш мумкин. Энг ибратли, ташаббускор, намунали маҳалла ва уларнинг сардорлари ҳақида «Mahalla» газетасига очерк, лавҳа, мақолалар ёзиб, унга фотосуратларни илова қилиб юборсангиз нур устига аъло нур бўларди.

ТАҲРИРИЯТ.

## МАХАЛЛАЛАР БАЙРАМГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасида «Истиқлол - буюк неъмат» мавзусида анжуман ўтказилди. Ушбу тадбир мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллиги байрамини нишонлашга маҳаллаларда тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланди.

Унда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти туманлари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар кўмиталари раислари иштирок этди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ўзини ўзи бошқарув органлари ишини янада такомиллаштириш, уларга кўпроқ ҳуқуқ ва эркинликлар беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки фуқаролик жамиятини барпо этишда маҳаллаларнинг ўрни беқиёсдир. Маҳалла тинч ва осойишта бўлса, юртимиз янада равнақ топаверади. Анжуманда мустақилликнинг тарихий аҳамияти беқиёсдир, уни асраб-авайлаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлиги таъкидланди. Кишилар онгига мустақиллик руҳини синдириш фақат истиқлол байрами арафасида эмас, балки доимий равишда амалга оширилиши лозимлиги қайд этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Маънавият ва маърифат» маркази ва «Маҳалла» жамғармаси истиқлол байрамига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишда ўзаро ҳамкорлик қилишга келишиб олди.

Ў.А.

## СОННИНГ

2-саҳифасида:

● Ҳали истиқлол нималигини ҳис қилолмай, советлар тузумининг сўнгги кунларида қарахт бўлиб турган халқни, халқ вакилларини ким уйғотди? Истиқлол равнақи халқни ўз ортидан эргаштира олган Президент фаолиятининг маҳсулидир.

● Венада бўлиб ўтган «Марказий Осиё ва Ислон» халқаро конференциясида юртдошларимиз ҳам иштирок этиб қайтишди. Абдураззоқ ҳожи Юнусов амалий сафар таассуротлари билан ўртоқлашади.

● Маҳалла майдонида тўп сураётган укалар! «Кўшнинг деразаси»ни мўлжаллашдан аввал «Футболимиз келажаги» кубогини ўтказиш тўғрисидаги Низом билан танишиб чиқинг.

3-саҳифасида:

● Қайнонага тиг урилди: кўзи қонга тўлган куёв айбини яшириб қаерга қочсин?

● Маҳалла оқсоқоли васиятноми тасдиқлашга ҳақлими? Сўраб, билиб олинг.

● Тошкентлик маҳалладонлар жума намозини Имом Бухорий масжидида ўқидилар.

● Бойсун — Оллоҳ назари тушган юрт!

● Фойдаланишга яроқсиз автомобил учун солиқ тўланмайди.

● Репетитор қисқа вақтда сиздан «вундеркинд» ясай оладими?

4-саҳифасида:

● Мўъмин улфат қилади ва улфат тутади... улфат деганда чойхонада қарта ўйнаб ўтирадиган ҳамтовоқни туншунманг!

● Тolibонлар талаби инсониятни орқага тортишми?

● «Евро-2000»ни бутун мамлакатимиз аҳли кўрди

● Тайсон аламини рингда олди.

## ИСТИҚЛОЛ РУҲИ — ОНГИМИЗДА, ШУУРИМИЗДА

Шухрат ЖАЛИЛОВ



Мустақилликнинг тарихан қисқа, аммо залворли тўққиз йиллиги арафасида жамият тарихига, айни вақтда ҳар бир соҳа босиб ўтган йўлга назар ташлаш, уни таҳлил этиб, ҳозирги эришилган муваффақиятларни, сабб-ҳаракатларимиз самарасини сарҳисоб қилиб, олдинда турган, навбатдаги улкан вазифаларни, янги довлар сари юришни режалаштириш тараққиётимиз мезонидир.

Бинобарин, улуг айём, бош байрамимиз Мустақиллик кунига Ўзбекистон маҳаллаларида ҳам улкан тарғиб кетмоқда. Мухбиримиз, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ҳамда «Маҳалла» жамғармаси раиси, Олий Мажлис депутаты Шухрат Илҳомович ЖАЛИЛОВга мурожаат қилиб, ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар, эзу ниҳатлар ҳақида гапириб беришни сўради.

соли муқаллас, қадрон бўлиб қолади. Маҳалла Ватан тимсоли. Унда заррада акс этган кўёшдек, бутун мамлакат миллий қиёфасини кўриш мумкин. Маҳалла - ўзбек халқининг бетакдор ноёб ихтироси. Маҳалла истиқлолда ўз озодлигини, раванжини кўрмоқда. Маҳалла - мустақилликни астойдил қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Биз бугун янги ўзбек давлатчилигига, фуқаролик жамиятига асос солинатган даврда янамоқдамиз. Ўз миллий қиёфамизга, қадриятларимизга назар ташлашга, бирламчи бошқарув шакли сифатида фаолият кўрсатиб келган маҳаллаларимиз босиб ўтган йўлни, тарихини чуқур илмий ҳам амалий ўрганиб, мушоҳада қилишга киришмоқдамиз.

Бу - миллий қиёфамизни, миллий давлатчилигимизни библи, ривожлантириш эҳтиёжи

## «ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ»



МАХАЛЛА 2000

Мамлакатимиз Президентини Ислон Каримов мамлакатимиз футбол келажаги ҳақида сўзлар эканлар, бу ўринда маҳалланинг ҳам ўз муносиб ўрни булиши лозимлигини қайд этган эдилар. Ҳа, бугун ҳар бир маҳалла футболни жону дили билан севади. Бугунги маҳалла болалари келажакда дунё совриндорлари бўлиши орзу қилади. Буни ўз вақтида қалбдан айлганган Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси бу келажак дастурини бугундан тузмоқдалар. Айни пайтда ушбу масвум, ёзи болалар таътили давридаюқ бу ишга киришилди. Ҳозир Тошкентда давом этаётган 14 ёшгача бўлган маҳалла ўсмирлари ўртасидаги «Футболимиз келажаги» кубоги ўйналарининг турман босқичи тугай деб қолади. Аммо бу мусобақага қизиқини мамлакат бўйлаб кенг қамров қилади. Шунини инобатга олиб унинг ташкилотчиси Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви, бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, фаол қатнашаётган Ўзбекистон Республикаси Футбол Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Ўзтелекомкомпанияси»нинг «Ёшлар» телеканали «Давр» инфомацион дастури Бош муҳарририни ташкиллаш ишлаб чиқилди, тасдиқланган ушбу мусобақа Низомини газетамизда чоп этаймиз.

2-саҳифада

## МАХАЛЛАМИЗ МАДҲИ

Бир-бирига туташ, томи, девор, тошлари, ўртададур маърақаси, тўйи, ошлари. Энг аввало кўшнинг кўнглини олар Омон бўлсин, маҳалламнинг кекса-ёшлари.

Уйи - бўлак, ўйи - бирдур, бир - хилхонаси, Иймони бут, буюк юртининг - бир гулхонаси. Ўғайи йўқ, ўқсиги йўқ маҳалла учун Қон-қариндош, қуда-анда, йўқ бегонаси.

Маҳалламнинг мард, баҳодир ўғлонлари бор, Саодатли, дилбар, моҳи тобонлари бор. Бошга мушкул иш тушганда кўкраги қалқон, Саховатли, оқибатли султонлари бор.

Жаннат гўё, суви асал, ҳавоси гўзал, Бахтдан қуйлар қушларининг навоси гўзал. Азизларим, жигарларим ётган шу тупроқ, Қайда юрсам, кўнглим овлар давоси гўзал.

Маҳалламнинг ҳар бурчида боғлар гулласин, Бутун юртга биз томондан салом йўлласин, Икки қадим дарвозалик Янгибодсан, Хўжа Алламбардор бувам руҳи кўлласин.

Инобат ТУРСУНОВА, Шайхонтоҳур тумани Янгибод маҳалласи фуқаролар йиғини хотин-қизлар билан ишлаш кенгаши раиси.

## МУНОСАБАТ

### ИНСОН ҚАДРИ ҚАБРДА(МИ?)

Яқинда Самарқанд шаҳридаги маҳаллалардан бирида ғалати ҳангомани эшитдик. Қандайдир ноёбор кимсалар шаҳардаги Хўжа Абду Дарун қабристонидан болалар шоири Маршонкулов ҳамда машҳур агроном Шайх Муҳиддинов қабри тепасига рангли металлдан қўйилган буюкнинг ўйирига кетинибди. Бу ноҳус хабар барча эшитганлар қалбини ўртаб, кайфиятини бузди. Шаҳардаги бир неча қабристонларини кўздан кечирган эканмиз, унинг ичиде тоналлаб металл панкалар, тоналлаб қимбатбаҳо, ҳар хил каттакиликли тошлар савлат тўқиб турганини кўрдик. Билки бу қайсилар жихатдан олиб қаралганда марҳумга нисбатан ҳурмат рамзидир. Ёки фарзанднинг ота-онага нисбатан бурчдир. Қабри устига қўйилган ўша тош, металл пулиннинг бир қисмини тириклик чоғида харажат қилинса, саовиб кўпроқ тегмайдими?

Не синоатки, яна бир ноёбор фарзанд бир пайтлар, қўли узун бўлган човлар, отасининг қабрига энг қимматбаҳо гранит тошига сурати туширилиб, тўрт мисра шеръ ёзилган тошлардан тош йўнучи усталарга арзон нархда баҳолаб сотишни таклиф этаяпти.

Яна бир кўнглини ранжитадиган ҳолат содир бўлмоқдаки, буниси ярага туз сеппи каби ачнарли. Ёзининг жазирама кунларида қабрлар орасидеги ўт-ўланлар қонжираб қолган, қабристонлар ёқиб юборилмоқда. Ёки қишлоқ маҳаллаларидаги қабристонларда мол боқилмоқда.

Эй, маҳаллош! Эртами, кечми ҳар биримизнинг борар жойимиз шу макон. Шундай экан, ота-боболаримиз ва қай бир қариндошимиз бош қўйиб ётган қабристонларни тоза-озода, ҳар хил ноёбор кимсаларнинг бузғунчи ҳаракатларидан халос тутайлик. Бу ўринда яқинда эълон қилинган фатво қимматлидир.

Туркиянинг Анталиа шаҳрида кураш бўйича иккинчи жаҳон чемпионати ўз низоҳисига етди. Унда 30 мамлакатдан ташриф буюрган полвонлар иштирок этди. Иккичи жаҳон чемпионатида ўз давлатларида ушбу спорт турини ривожлантиришни истаган 19 мамлакатнинг куза-

Газетамизда эълон қилинган Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Қабристонларни зиёрат қилиш одоби ҳақида»ги Фатвоиси муштарийларимиз эътиборини тортди.

## ЭЛ ҚАЛБИДАГИ МУДЛО

Биз «Мевазор» маҳалла аҳли «Mahalla» газетасининг ҳар бир янги чоп этилган сонини интизорлик билан кутамиз. Чунки, унда «Муносабат», «Ўзбекистон ҳақида ўзимиз», «Яхшилар гулшани» каби бир қанча руҳлар мавжудки, шу этилаётган мақолаларда эл қалбидеги мудлолар баён этилади. Жорий йилнинг 5 июль сониде Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Қабристонларни зиёрат қилиш одоби ҳақида»ги Фатвоиси эълон қилинди. Уни қабрларни зиёрат қилишда йўл қўйилаётган айрим камчиликларни бартаф этиш мақсадида ўз вақтида чиқарилган Фатво деб биламиз. Шунингдек, бу Фатво республикамизда чиқарилган баъзи газеталарда биллиб-билмай эълон қилинаётган мақолаларда чалқаш ва ҳатто динга зид фикрларга берилган тўлиқ жавоб бўлди. Ушбу Фатвода айтилишича, шариятимизда қабрларга гул ва шунга ўхшаш ўсимликлар экиш яхши амаллардан саналади. Лекин мевали дарахт экиш,

уларни мевасини истеъмол қилиш, қабристонда чорва молларини ўтлатиш мумкин эмас, деб жуда тўғри айтилган. Яқинларимизни зиёрат қилиш учун қабристонга борганимизда, у ерда сингар-қуйларнинг ўтлаб юрган ҳолатини кўриб ташвишланар эдик. Биз Мевазор маҳалласи аҳли номидан Ўзбекистон мусулмонлари идораси Олий ҳайъатига ўз вақтида чиқарилган фатво учун миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Рўзнома саҳифаларида халқимиз орзу-умидлари ва истиқболли келажакини акс эттириётган «Mahalla» газетаси жамоасига эзгу ва саовиб ишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани Мевазор маҳалласи фуқаролар кенгаши номидан Шарифжон Содиков, Шотурван Илҳомов, Мирсоат Усмонов, Тўлқин хожи Ражабов, Фароғат Ғозиева.

## ДУНЁГА ЮЗ ТУТАЁТГАН ЎЗБЕК КУРАШИ

тувчилик қорпуси иштирок этди. Чемпионат Анталиа марказида жойлашган 3 минг томошабин сизилган чиройли «Ойнали эҳром» спорт мажмуида бўлиб ўтди. Эркалар жамоаси эса бир вази тоифасида беллашилди. Мусобақанинг тўрт олтин медали учун бир юз йигирмага ақин полвон беллашди. Мушук вази тоифасида туркиялик спортчи - дэждо бўйича Европа чемпиони Салим Татар ўли барча рақибларини мағлубиятга учратиб, иккинчи жаҳон чемпионатининг голиби бўлди.

ан тоифасида дэждо бўйича жаҳон чемпиони - туркиялик Илтиқур Кобаш олтин медалга сазовор бўлди. Эркалар ўртасидаги мусобақаларда ҳамюртларимиз икки вази тоифасида - Баҳром Аезов /90 килограмм/ ва Маҳтумқули Маҳмудов /73 килограмм/ вази тоифаларида жаҳон чемпиони бўлишди. Чемпионат доирасида ўтказилган Халқаро Кураш уюшмаси ижронга қўмитасининг йиллиши ва Конгрессида курашнинг жаҳонда тарғиб қилиш ва ривожлантиришнинг долларб масалалари кўриб чиқилди.

Ў.А.



Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масвум котиб: 136-53-75, ижодий бўлимлар — 136-53-82.

Хомий: «Матбуот тарқатуви» ҳиссасдорлик жамияти Кабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмунини, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail: mahalla@gazeta.silk.org





• ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

Фозил қори Ёсин ўғли СОБИРОВ

# 21. ОДАМНИНГ ЭНГ ЯХШИСИ ОДАМЛАРГА МАНФААТ ЕТКАЗАДИГАНИ

Киши элу юртини, Ватан равақини уйласа, хотамтой бўлса албатта бунинг ҳам савоблари кўпдир.

Сахиланинг савоблари ҳам беҳисобдир. Муҳаммад Мустафо саллоллоҳи алайҳи вассалам айтиди: «Бўкиб егандан, бўлиб еган яхшидир». Бир коста овқатга қорингиз тўяди. Лекин иккинчи косани ҳам ичиб қўйишигиз мумкин. Икки коста овқатинг бўлса, ёнингиз билан баҳам кўр дейди яхши Хадисда. Хожир деган худосиз одам ўтган экан. У ҳеч кимга алданмаган, ҳеч кимга ишонмайдиган. Хожир деганимиз - бу иймонсиз бўлган. Биринчи сифати шу. Иккинчи сифати у ўта бахил бўлган. Яна мўминларнинг ҳам сифатини айтганлар Сарвари олам. «Мўмин уфат қилади ва уфат тутади, дўст қилади ва дўст қўлайтиради. Уфат қилмайдиган, дўст орттирмайдиганлар ҳам яхши эмас» - деяптилар Сарвари олам. - Одамларнинг энг яхшиси одамларга манфаат етказадигани».

**Ҳаётда «Ўзим бўлай, фақат менга бўлсин», дейдиганлар, молу дунёга ҳар турли йўллар билан ҳирс қўйганлар, ҳою ҳавасга берилиб кетганлар учрайди.**

ни пичоқдапими, индамайди, бекфарқ ўтираверади. Бир бечоранинг уйига ўт кетди, учирай, демайди. Биз тилга олган чин маънодаги уфат дегани юракдан, қалбдан дўст тутиши, мусулмончилик ҳақларини бемулоҳаза бажариш дегани. Бу ҳақлардан биттаси бетоб бўлса бориб кўриш, ўлганда жанозасига қатнашиш. Бетоблигингизда келмаган, жанозангизга келадими? Дард берган Оллоҳ сизни шулардан огоҳ қилади. Қиёмат куни бола онадан, ота боладан, ўғил отадан, эру хотин бир-бирларидан, ака-укасидан қочган вақтда Оллоҳ учун дўст бўлганлар, учрашиб, бир-бирларига ердан берарканлар. Савоблари оз бўлса ҳам, гуноҳлари кўпайиб кетган бўлса ҳам Оллоҳдан икки кишилашиб махфират сураканлар. Оллоҳ айтар экан: «Эй, мен учун дўст бўлишганлар, кираверинлар, жаннатимга, сизга тарозу йўқ». Сарвари олам айтганлар: «Ўзи билан Оллоҳ ўртасидаги ишларини, ибодатларини, эҳсонларини, яхшилликларини, даъватларини тўғрилади юрса, Оллоҳ унинг одамлар орасидаги ишларини ҳам тўғрилайди». Буйруқни бажариб, қилма дегандан қайтариб, хулқингиз, аълоларингиз билан Оллоҳга яқин бороварингиз, у Сизнинг ҳамма ишларингизни тўғрилай бораркан. Азиз эшадиган ҳам, хор қилиб қўйдиган ҳам Оллоҳ. Оллоҳнинг ҳукмига бўш қарасангиз, иймон, эътиқодингиз сустлаша Оллоҳ Сиздан назарини олади. Оллоҳ Қуръонда айтди: «Кимки ниятини тўғри қилса, мен барча ишларини тўғри қи-

ламан». Баъзилар бор, ниятини тўғри қилмайдиларда мақсадимга етолмайди, у бўлди, бу бўлди, ишим юришмайпти деб нолиб юришади. Таҳаммул айлагин жоним, Худо берган бу дардларга, Эсинга олгин Аюбин, сабрлар этган бу дардларга. Неҳун дард бермади Оллоҳ, на Намруду, Фиръавнига, Ҳамма дарду аламларни берибдур, кўр, Анбиёларга. Сувоқли бандасин Оллоҳ синар турли кулфатига, Синовлардан ўтиб етгай, муродо ажри неъматига. Ёлнинг ол, не кулфатни чеки Юсуфи барно, Синовлардан ўтиб, кўр-гин, қул-бўлмиш подшоҳ. Бериб Қорунга Оллоҳ, мол, давлат, беҳисоб тиллони, Лойқ кўрмади Этам анга, заррача иймонини. Валиларга бериб меҳру муҳаббат, нури иймонини, Йироқ қилди алардин молу-мулк ишқи, дунёни. Фозило, боқсам замонга яхшиларда дард алам, Жоҳилу нодонларда на алам бор, на ситам. Шу л сабадан шукр этарман, келса бошга дард алам, Айла кафолат уларини, қилган гуноҳимга Этам. Биродарлар, кўп одам ҳаётини яхши бўлармикан, деб номозни бошлагандим, бу ёқда касаллик, бу ёқда гам-ташвиш бўлиб кетди, хайронман, деб ҳам қўяди. Мўминлар учун у дунёга вада берилмаган. Шунинг учун мангунгиз, дуниёнинг турган-битгани синовдан иборат. Лекин шунинг яхши билинг, иймонини одам хор бўлмайди. Унинг хор бўл-

маслиги нимада? «Мен ўзимни боқмай қолдим, менга бир бурда нон беринг» демайди иншооллоҳ. Иймони бор одамни Оллоҳ таолоҳ иймони йўқларга муҳтож қилмайди, қилмасин ҳам. Агар шу иймон йўқларга эгилиб, таъзим қилиб қолдим, ярим дини кетади. Ва охирида иймонидан ажрайди. Мўминлар ичида ҳам лаган-бардорликда ўтиб тушалганлар, раҳбарларига, пули кўп, бадавлатларга тиз чўкадиганлари ҳам бор. «Мана бунинг ич», деса ичиб юборавради ҳам. Қимор ўйна деса, қимор ҳам ўйнайди. Яна кейин намоз ҳам ўқийверади. Эй инсон, мукаммал мусулмон бўлгин. Чала мусулмон, чала мўмин бўлма. Оллоҳга ишонаман, дегинми, Оллоҳ ҳаминча мени кўриб теграмда турибди дегинми, эътиқодингдан қайтма. Бугун дард бериб, балоларга мубтало қилиб, Сени Оллоҳ синапти. Соғайтирди, гам-ташвиш нари кетди. Яна бахт бериб, энди эсингдан чиқарма. Йўқса, бундан баттарини Оллоҳ бир кунда бериб қўяди. Қўрган мусибатларингиз дарров эсингдан чиқариб юборма. Оллоҳнинг Қорунга берган молу дунёсини кўр. Қанчалик ақл берди. Кесакни сотиб, тиллога айлантди Қорун. Лекин Худонинг танимади. Иймонга келмади. Нега Оллоҳнинг унга иймони раво кўрмади, заррача иймон бермади? Ва шу мол-дунё охири ўзини еди. Иброҳим Алайҳиссаломга Оллоҳнинг «Ўғлингиз қурбон қил» деди. Бу гап оддий одамга айтилса «лод» деб юборарди. Ҳар бир азизларга, анбиёларга ўзига яраша машаққат, дард алам бериб қўйди. Лекин охирини хайрли қилиб қўйди. Эй азизлар, охиригимиз хайрли бўлсин.

## ДАРАХТЛАРДА ҲАМ ЖОН БОР

Ҳа, дарахтларнинг ҳам жони бор. Танаси - орқа мия, бутқоқлари - 72 минг асаб торлари, етти хил ранги - баданнинг етти асосий маркази, барглари эса ўпкасидир.

Одамлар билан дарахтлар ўртасида алоқа мавжуд. Агар алоқа бўлмаса дарахтлар даволашнинг, инсонга яхшилик қилишнинг, баъзида ҳаёт тарзини ўзгартиришни биз қардан билардик? Илим-фан бугунги кунда бундай саволларга ижобий жавоб беришга ҳаракат қилмоқда. Масалан, баргларга капалак қурти туши, дейлик. Дарахтлар олдидан хавфини сезгандек, бир-бирларига «хабар юбориб» ўз кимёвий захарларини ишлаб чиқаришаркан. Қарандан аниқ ва тўғри хабарнинг «тили» бизга ҳали номаълум бўлса-да, тажрибалиларнинг кўрсатишича тана ва бутқоқлар SOS хабарини юборишаркан. Табиатнинг бу мўъжизаси ҳусусида фанда анчадан буён баҳс кетаяпти.

Агар халқ табобатидаги эски маълумотларга эътибор берсангиз, ҳайратомуз далил ва мисоллар дуч келасиз. Мисол учун Урта Осиёда тут дарахти хосиятли ҳисобланган ва уни отаболарнинг кўпроқ экишган. Очарчилик йилларида ҳам тут пилишига етганлар тирик қолмишкан. Тут дарахтини кесиб, бахтсизлик келтиради, деб ҳисобланган. Яна бир яхши уду: илгарилар оилада ўғил туғилса, яхши ният билан терак қўчалари экишган.

Қадимги Мисрда ва Яқин Шарқда эшик олдига ва деразаларда алоҳ ўсимлигини осиб қўйиш одат бўлган. Бу ўша хонадон аҳлининг соғ-саломат юриши, узоқ умр кўриши белгиси бўлган. Алоҳ бир неча йил сувсиз яшаш ва гуллаши мумкин экан. Қадимги римликлар эса бу ўсимлигини ҳар қандай хавф-хатардан сақлашга ишонган. Гиппократ давриддан то ҳозиргача аёллар касаллиги, ошқозон-ичак, асаб касалликларини, шамоллаш каби касалликларни шу ўсимлик билан даволашади. Олимларнинг таъкидлашларича, фитонцид ўсимлигининг гули микробларни йўқотаркан, ҳали чарчоқни ёзиб, бош оғрини қилдиришаркан, уйқун келтираркан. Машҳур римлик шифокор Квинт Самоник юзаги ажинларини йўқотиш, чиройли ва ёш кўриниш учун чинор баргини ёзиб, сувоқлини юзга суртишни тавсия этган.

Олимларнинг фикрича, дарахт ва ўсимликларда асаб тизими мавжуд. Улар ҳам одамлардек ҳамма нарсани тушунаркан ва дунёни сезаркан. **А.ОТАМЕТОВ тайёрлади.**



## “ЕВРО-2000”: УНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАММА КЎРДИ

Маҳалларда мухлислар футболни, айниқса, юксак савиядаги учрашувларни одатда кўпчилик бўлиб биргалишиб томоша қилишга одатланган. Поёнига етган “Евро-2000” даврида ҳам шундай бўлди.

Бир неча йил муқаддам юрдошларимиз мана шундай катта мусобақалар бошлангани арафасида ўйинларни томоша қилиш имконига эга бўла олмади қийналишарди. Бу сафар “ўйинларни қайси канал орқали томоша қилсам экан?” қабилидаги саволга дуч келди. Шунингга шукур. Зеро, танлаш имкони борлиги ҳарқалай яхши-да.

Очиги, ҳар бир каналнинг ўзига яраша ютуғию ўзига хос камчиликлари кўзга ташланди. Россиялик тележурналистлар мусобақалар ўтаётган шаҳарларда фаолит кўрсатгани ҳисобига “улоқ”ни олиб қочишга ҳаракат қилишди.


“Ўзбекистон” телеканалда чемпионатнинг дастлабки учрашувларини “Ешлар” телеканали орқали яхши таниш журналистлар мухлисларимизга тақдим этишди. Аммо иккинчи каналда ўйин олдидан берилган муқаддимаю, репортажни учрашувдан сўнг ярим-ерти қилиб яқунлашга шўшлмади, мухлис билан фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашишга вақт топган (ярим тундан оққанда) ижодий гуруҳи шайхна маҳаллаларда таҳсилдор кўп бора айтилган рол. Афсуски, биринчи канал аксарият кўрсатувлари давлат тилида олиб борилишига қарамай, нима учундир, чемпионатнинг ярмидан худди тўртинчи “Халқаро” канал каби мосқалиқларни бевосита улаб қўйгани хайрон қолдириди. Ҳар ҳолда “Ўзбекистон” канали-ку!

“Евро-2000”ни ўзбек ишқибозларининг аксариятига тақдим этишда “Ешлар” телеканали орқали халқаро футбол учрашувларини шарҳлаши билан яхши таниш истеъдодли спорт журналисти Давлат Турдалиев ва таниқли шарҳловчи Мирзаҳаким Тўхтамирзаев бир гуруҳ техник хонимлар билан бирга муносиб ҳисса қўшишди. Эътибор берган бўлсангиз, шарҳловчиларимиз учрашувларга пухта тайёргарлик кўришгани, мусо-

бақа иштирокчилари билан боғлиқ кўплаб тарихий ва энг сўнгги хабарларни ўрганиб чиқишгани кўзга ташланди. Шу ўринда, “Қани эди, миллий чемпионатимиз ўйинлари шарҳида ҳам шу каби хусусиятларни учратсак” деган фикр ҳаёдан кечгани табиий.

Мирзаҳаким Тўхтамирзаев муштарийларимизга ўзининг турли мавзулардаги бир қатор мақолалари билан ҳам яхши таниш. Футбол-севарларнинг кўпчилиги унинг учрашувларини дилдан, берилиб шарҳлаганини, севишли ўйин тарихини чуқур билишини, чет эл командалари аъзоларини яхши танишини, сўзга бойлигини эътироф этишди. Фурсатдан фойдаланиб, катта футболни телевидение орқали тарғиб этишда жонбозлик кўрсатаётган ҳамкасбларимизга ижодий парвозлар ёр бўлишини тилаймиз.

Чори **ЛАТИПОВ**.  
Суратларда: Мирзаҳаким Тўхтамирзаев; режиссёр Эдуард Мусайлов “Евро-2000”дан репортаж пайтади.



## • БОКС

Ҳа, гап яна ўша машҳур боксчи Майк Тайсон ҳақида. Майк Тайсон ўз вақтида жаҳоннинг биринчи рақамли боксчиси бўлди. Аммо ана шундай доғрули, бутун олам оқшишга сазовор бўлган Тайсоннинг қоратили гунаҳининг қаҳрига сабаб бўлиб қамолда ўтириши, ўзига рўбарў келиб йўл бермаган ҳайдовчига мушт тушириб, яна жавобгарликка тортилиши, ҳатто рингда ҳам рақибининг қўлоғини тишлаб олиши ва турли аёллари, дўконларнинг унга бўлган даввоси шубҳасиз унинг ҳақиқий маънодаги мухлисларини ранжитиб келмоқда эди.

# ТАЙСОН АЛАМИНИ РИНГДА ОЛДИ

Ҳа, Тайсоннинг мушти кучли ва айни пайтда тез юзурди. Афсуски, бу куч баъзан унинг ақлидан кўра ҳиссиётларига, жаҳдига кўпроқ бўйсунди. Яқинда Майк Тайсон ўзининг навабдаги жангини Луиса Варес билан ўтказди. Бунга Луиса Варес кибру ҳаволи гаплари билан Майк Тайсоннинг асабини қитқиллаб қўйган. Луиса Варес улар ўртасидаги учрашувнинг маълум муддатта кечикишини Тайсоннинг боксдаги мавқеи тугаётганлигидан бир белги деб жар солади ва бу айни пайтда ўзи билан бўладиган жангдан Тайсон маълум бўлишини ҳис қилётгани деб баҳолади. У шундай сўзлари билан Тайсоннинг обрўини тўқишга, ўзининг

қулатди. Лекин ҳакам гинакудуратни четга суриб, ўрнидан сакраб турди ва Луиса Варесни зарбалардан халос қилиш учун Тайсонга илтиҳо билан ёпишди. Жанг тугади. Тайсон ғолиб деб эълон қилинди. Ҳакамлар ўйиннинг 38 сониясидаёқ шундай қарорга келишди. Тайсон нафақат ғолиб бўлиб, ўзига нисбатан бўлган ноўрин сўзлар учун ўч олишга ҳам қас қилганлиги унинг вазоҳатидан сезилиб турарди. Майк Тайсоннинг вазоҳатини оқламаган ҳолда бир нарсдан кўнглиг тақсин топди. Спортда ғолиблик фақат майдондаги кураш орқали ҳал бўлишини Луиса Варес каби бақироклар сезиб қўйсин.

## • ОРТГА ОЛГА

### ТОЛИБОНЛАР ЎРТА АСРЛАР МЕЪЁРАЛАРИНИ ТИКЛАШГА УРИНИШМОҚДА

Эндилкида Талибонлар ҳукуматининг фармонида биноан сартарошлар миҳозларнинг соқолини олиши ва сочларини оврунча тарзда тартибда солиши таъқиқланади. Чеварлар агар аёл кишига кийим тикиш учун ўлчам оладиган бўлса жуда катта миқдорда жарима тўлайди ва 5 ой қамоққа дучор этилади.

1996 йилда мамлакат пойтахтини эгаллаган ислом фундаменталистлари ўрта асрлардаги меъёрларни қайта тиклашга ҳаракат қилишмоқда. Жумладан, мамлакатда телевидение, кино, концертлар ва ҳатто мусиқа тинглаш ҳам таъқиқланган. Эраклар соқолини юриши мумкин эмас. Ушбу қоидага буйсунмаганлар зиндондан этилади ва соқоли маълум узунликка етгач қўйиб юборилади.

Аёллар энди жамият ишларида иштирок этмайди. Уларнинг жойини фақат уйда. Заифларга фақат масжидлар хузуридаги гуруҳларда Қуръон каримини ўрганишга ижозат берилган холос. Кўчада қариндош эраксиз юришлари ман этилган. Табиийки, улар паранжи ёпинган бўлиши шарт.

Жазо чоралари ҳам ўрта асрларни эслатади. Қотилни жабрланган оиланинг катта вакили оломон олдига отиб ташлаши кўзда тутилган. Зино устида қўлга тушганлар тошбурон қилинади.

«Интернет» материаллари асосида Умида НИШОНОВА тайёрлади.

Хурматли ойижонимиз Ҳидоят АБДУЛЛАЕВА! Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Фарзандларингиз, барча яқин дилбандларингиз бахтига саломат бўлинг, узоқ яшаг. Шодликнинг шавқи, қувонинг бахти Сизни асло тарк этмасин! Фарзандларингиз ва куёвларингиз.



Фарзанд улғаяди, қалблар ёшаради

## • БОБОМ АЙТГАН ҲИКМАТ:

### Кўча юзи кун чиққунча супурилагани маъқул

Пойтахтимизнинг Катта Қаяни маъсидидаги Гулистон маҳалласига эрта тонгдан издиҳолга бордик. Тўйхона ичкарироқда экан, автобусдан тушгач бироз юришга тўғри келди. Кўп қаватли биноларда яшаганимиз учунми, маҳалла манзаралари алланечук ажойиб кўринарди.

Ҳамма ёқ дарахт, гул кўчалари... Энг ажабланирлиси ҳамма ёқда сув сеппилган, супурилаган... Аммо кўчада биронта аён зоти кўринамасди. Барака топтулар-эй, қачон супуриб улгурмиш экан, кўрғанинг кўзи қувнайди-а! Шунда беихтиёр бобомнинг сўзларини эсладим:

«Ховли юзи, кўча-қўйлар кун чиққунча супурилагани маъқул. Ундан кейингиси кеч. Ҳа, ювқисиз одамга ўшаб ҳовлидан барака, кўчалдан фазл кетади. Бу маҳалланинг келин-келиндарини, одамлари бобом айтган кишиларга ўшаб кетардилар.

Тўй ошини еб яна ўша покиза кўчалардан юриб, марказга қайтдик. Бунинг қарангки, нимагадир кўзим нуқул, чангини осмонга чиқариб кўча супураётган фарошларга тушди, дег.

Ажабо, булар бобом айтган ҳикматларини билишмасмикан? Билишмайди. Билишганида мингбад бундай қилмаган булардилар. Барвақт туриб, уйқун озрақ қилиб, одамлар шаҳар бетига чиққунча ҳаммаёқни чини-чироқ қилиб, катта савобга эга булардилар. Ахир ким ҳам яшаб, ризқ еб турган жойидан файзу барака кўтарилишини хоҳлайди? Ҳеч ким!

Жамшид НЕЪМАТОВ.

«Биринчи сонли йўл қурилиш ва таъмирлаш шўъба ҳўжалик жамиятининг фаолияти унинг «Йўлқурилиш» ОҲЖ таркибига кириши муносабати билан тугатилди».

Шайхонтохур тумани Янгиобод маҳалласи фуқаролар йигини маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси Манзура Валиевага онаси ЗУБАЙРА аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ТАХРИР ХАЙАТИ: Шўҳрат ЖАЛИЛОВ, Иброҳим РАҲИМ, Расул РАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ. МАЪСҮЛ КОТИБ: Аслиддин БҮРИЕВ. НАВБАТЧИ: Олим БЕҒАЛИЕВ. САХИФАЛОВЧИ: А. ЮЛДАШЕВ. «ВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41. Бюрога Г-640. Топширилди—20.30